*Қайта қуришни ким қандай тушунмоқда?*

# САМАРҚАНД ЧОЙИМИ ЁКИ ГРУЗИН ЧОЙИ?

*Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети раисининг ўринбосари Б. Қ. Қосимхўжаев диққатига*

**Шу йилнинг 1 январидан кўпгина саноат корхоналари тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва харажатларини ўзи қоплаш шароитида ишлашга ўтди. Қанчадан-қанча коллективлар бу муҳим тадбирни татбиқ қилишга ҳозирлик кўриш ташвиши билан нафас олмоқдалар. Янгиликни жорий этиш учун биринчи навбатда ишлаб чиқариш самара беришини таъминлаш талаб қилинади. Бунга эришиш унчалик осон эмас. Биринчи навбатда планлар мунтазам бажарилиши, маҳсулотнинг харидоргирлиги таъминланиши шарт. Самарқанддаги чой қадоқлаш фабрикаси коллективи ҳам худди шундай ҳозирлик даврини бошидан кечирмоқда. Агар корхонада кейинги йилларда белгиланган давлат планлари бажарилмай келаётганлигини, коллективнинг давлат олдидаги қарзлари кўпайганлигини ҳисобга олсак, бу ерда туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш бошқа жойлардагига нисбатан янада мураккаблиги аён бўлади. Хўш, чой қадоқловчилар қийин ҳолатдан чиқиш учун қандай чора-тадбирларни амалга оширишмоқда! Бугунги кунда уларни нималар ташвишлантираяпти. Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида корхона ишлаб чиқариши билан атрофлича танишдик, унинг раҳбарлари, мутахассислари билан суҳбатлашдик, цехларда бўлдик.**

## ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШ

Кейинги бир йил ичида фабрика ишлаб чиқаришида жиддий ўзгаришлар юз берди. Фикримизни исботлаш учун иккита рақам келтирайлик: 60 миллион ва 18 миллион. Булар корхонанинг давлат банки ва маҳсулотни қабул қилиб олувчилар олдидаги қарзига оид. Биринчиси 1987 йилнинг бошидаги ҳолатини, иккинчиси эса ҳозирги ҳолатни кўрсатиб турибди. Биринчи рақам коллективнигина эмас, юқори ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий партия ва совет органларини ҳам ташвишга солмаслиги, чуқур ўйлашга мажбур қилмаслиги мумкин эмасди. Шу боисдан ҳам шошилинч чоралар амалга оширилди. Аввало бу ерда бошланган реконструкция ишлари тезлаштирилди. Корхона директори алмаштирилди. Ишлаб чиқариш участкаларида қўшимча тадбирлар татбиқ этилди.

Бугунги кунда кўрсаткичлар салмоғи кескин ортганлиги ҳар кимни қувонтирмоқда. Мана, қаранг: 1986 йилда жами 113,3 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 1987 йилдагиси 153 миллион сўмлик бўлди. Қадоқланган чой миқдори 7 минг тоннага ортди. Бундай тафовут бошқа асосий кўрсаткичларда ҳам очиқ-ойдин намоён бўлиб турибди. Меҳнат унумдорлиги 24 процентга юксалди, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш борасида 133,9 процентни ташкил қилди. Маҳсулот таннархи қарийб 4 миллион сўмга пасайишига эришилди. Шу туфайли ишлаб чиқаришдан соф фойда олиш плани 3 миллион 35 минг сўмга ошириб бажарилди. Бир йил ичида ишчилар сони 8 процент ошди, холос. Ҳозирги пайтда фабрикада планда белгиланганидан 110 нафар кам — 864 киши ишламоқда. Бу рақамдан кўриниб турибдики, кўрсаткичлар салмоғининг сезиларли даражада ошишига ишчилар сони таъсир қилган эмас.

Қадамнинг илдамлашишига биринчи навбатда реконструкция йўл очди. Бу иш учун лойиҳа-смета ҳужжатларида 2 миллион 795 минг сўм маблағ кўзда тутилган. Пулнинг асосий қисми ўзлаштирилди. Фақат маъмурий-маиший корпусда пардозлаш, сантехника билан боғлиқ 40 минг сўмлик юмуш қолди. Бу эса ҳали тугалланмаган реконструкция ўзининг салмоқли самарасини аллақачон бераётганлигини кўрсатиб турибди.

**«Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси реал план кўрсаткичларини тасдиқлашга таъсир кўрсатишларини сўраб, юқори партия ва совет органларига бир неча бор мурожаат қилди. Бу масала ҳанузгача ҳал бўлмаётир.**

**СССР Агросаноат давлат комитети комиссиясининг 1987 йил 3 апрелдаги 4-протоколи бўйича қадоқланган чой ишлаб чиқариш қувватлари 5.791 тоннага камайтирилди (олтита чой қадоқлаш автомати ҳисобдан чиқарилди). Фабриканинг қуввати (30.855 тонна) икки сменали иш режимидан келиб чиққан ҳолда (учинчи смена ускуналарни техник кўрикдан ва профилактик ремонтдан чиқаришга мўлжалланган) ҳисобланган. Аммо аҳолининг чойга бўлган талаби мунтазам ошиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, фабрика икки сменали уч бригадали иш режимига ўтди. Бу йил (1987) охирига бориб 29 минг тонна чой қадоқлаш имконини беради (бу рақамни белгилаганда реконструкциянинг ҳали тугалланмаганлиги ҳисобга олинган).**

**Ҳисоб-китоб 1986 йил 26 декабрдаги 605/5-783 рақамли фонд қоғозига асосан амалга оширилган бўлиб, шунга биноан фабрикага 32 минг 500 тонна чой хом ашёси ажратилди. Аммо 1987 йилнинг 22 апрелидаги 605/5-238 рақамли фонд қоғозидан маълум бўлиб турибдики, грузин чойи хом ашёси етказиб бериш ҳажми 8.900 тоннага қисқартирилган. Таклиф этилаётган ҳисоб-китобларга биноан янги чой ҳосили етказиб берилгунча хом ашё камчиллиги 16.276 тоннани ташкил қилади. Тасдиқланган план кўрсаткичларининг нореаллиги фабрикани ўта оғир молиявий ҳолатга олиб келиши мумкин. Планлар бажарилмаганлиги учун давлат банки пул ажратишнинг алоҳида режимини қўллайди. Бу масалани ҳал этишда ёрдамлашишингизни ўтиниб сўраймиз».**

(Фабрика раҳбарларининг СССР Агросаноат давлат комитети раиси В. И. Мураховский ва Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабековга ёзган расмий хатидан).

Кўрсаткичлар салмоғини ошириш борасида сезиларли ўзгариш бўлишига қарамасдан корхона коллективини ташвишлантираётган муаммолар анчагина. Шулардан бири планнинг ишлаб чиқариш қувватларига, хом ашё миқдорига қараб белгиланмаганлиги, яъни нореаллигидир. 1987 йил плани бажарилмай қолишига асосан шу сабаб бўлди. Бу масалада турли адресларга мурожаат қилинишига қарамасдан ҳанузгача аниқ хулосага келингани йўқ. Ваҳоланки, корхона коллективи янги шароитларда ишлашга ўтса молиявий аҳволи чиндан ҳам оғирлашиб қолиши, моддий манфаатдорлик, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларига маблағ тушмаслиги, бу эса ўз навбатида эндигина қаддини ростлаётган коллективнинг кайфиятига кескин равишда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

## ЮТУҚ ИНТИЗОМДАН БОШЛАНАДИ

Меҳнат интизоми мустаҳкамланиши, ишлаб чиқаришда талаб қилинган тартиб бўлиши ҳақида мунтазам қайғурилган жойда мақсадга эришиш учун қўшимча имкониятлар яратилади. Буни ушбу корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Унинг цехлари, турли участкаларида ишлаётганлар аввало одамлар ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилинаётганлигини сезиб туришибди. Кейинги пайтларда бу йўналишда қатор конкрет тадбирлар амалга оширилди. Область стомотология поликлиникасидан врачлар фабрикага таклиф қилинди. Улар уч ой давомида тиш даволаш, протез қўйиш билан машғул бўлдилар. Ходимларнинг айрим камёб товарларга талаблари қондирилди. Иқтисодий ўқувлар, актуал мавзуларда лекциялар уюштирилди.

Бугина эмас, ходимларни яхшироқ, самаралироқ, сифатлироқ ишлашга қизиқтирадиган бошқа чора-тадбирлар ҳам қўлланилмоқда.

1987 йилнинг ноябрь ойида асосий цехларда ишловчи 14 бригададан тўққизтаси маъмурият билан шартнома тузди. Шунга биноан бир ой давомида меҳнат интизоми бузилишига, талон-торожликка йўл қўйилган тақдирда бригада аъзоларининг қўшимча мукофот пулидан 15 процентигача, асосий мукофот пулидан 50 процентгача чегириб қолинади. Белгиланган план 113 процент бажарилиши таъминланиб, тартиб-интизомнинг бузилишига йўл қўйилмаса, асосий иш ҳақига 40 процентгача, бундан юқорироқ натижага эришилганда эса 50 процентгача қўшилади. Бу тадбир яхши самара берди. Шу боисдан йил охирида қолган бригадалар ҳам ана шундай шартнома асосида ишлашга ўтказилди. Юксак натижаларга эришган коллективлар, ишчилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқдалар. Мусобақада ғолиб чиққан асосий цех бригадасига кўчма вимпел билан биргаликда 300 сўм, юкчилар бригадасига 150 сўм, тракторчига 25 сўм миқдорида пул мукофоти берилади. Шуниси диққатга жоизки, мусобақа якунлари ҳар ўн беш кунда кўриб чиқилади.

Биз борганда номлари Ҳурмат тахтасига ёзиладиган ходимларнинг янги рўйхати тузилаётганди. Ўша илғор ишчилар қаторида қадоқлаш цехидан Надежда Абарумова, Алла Любченко, Асрор Қурбонов, литография цехидан печатниклар Қобул Эшонқулов, Виктор Шелехов, ўқув-ишлаб чиқариш участкасидан Ҳусен Жумаев, Эдуард Ишханьян, юкчилар Аҳад Маҳмудов, Райим Саломов, Ашур Иброҳимов сингарилар бор.

Яхши ишлаган яхши ҳақ олади. Ишчиларнинг ўртача маоши 1986 йилдаги 137,3 сўмдан бултур 149 сўмга етди. Планлар мунтазам бажариладиган бўлса, иш ҳақи тобора ошиб бориши табиий. Шу боисдан ҳам маъмурият касаба союз ташкилоти билан биргаликда давлат планининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш йўлларини қидирмоқда. Ишчиларга маданий-маиший шароитлар яратиш диққат-марказида бўлмоқда. Эски ишлаб чиқариш корпуси ходимлар ҳордиқ чиқарадиган, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондирадиган жойга айланди.

## СИФАТИГА КИМ КАФИЛ?

Маълумки, харидорлар, чойхўрлар бу ерда қадоқланган маҳсулот сифатига кўплаб эътирозлар билдирмоқдалар. Бунинг боиси равшан: кейинги йилларда чойнинг таркиби ҳам, дамлангандан кейинги мазасию ҳиди ҳам талабга жавоб бермаётир. Баъзан «Самарқанд чойи айниди, унга нималардир аралаштирилади шекилли» деган гапларни эшитиб қоламиз. Хўш, бу эътирозларда асос борми? Биз худди шундай савол билан фабрика лабораторияси мудири А. Сафаровга мурожаат қилдик.

— Биз чой ишлаб чиқармаймиз, келаётган хом ашёни қадоқлаймиз, холос, — дейди у. — Афсуски, баъзи одамлар буни тушуниб етишмайди. Грузиядан келаётган чой хом ашёси сифати пасайиб бораяпти. Бунинг сабаблари кўп.

Шундай деб, у кейинги пайтларда Грузиядан жўнатилган чой туркумларининг намуналарини бирма-бир кўрсатди. Уларнинг баъзилари кишининг энсасини қотиради. Ахир, чой деб юборилган хом ашё ичида кўплаб учун-узун чўплар, таркибини аниқлаш қийин бўлган унсимон чой бўлса, бунга ҳайратланмаслик мумкинми?! 1987 йилнинг 10 декабрь куни Чхороску районидаги Хабум фабрикасидан 150 тонна (7 вагон) чой жўнатилибди. Лабораториянинг аниқлашича, бу чой тўласинча ўша ерда белгиланган сортга тўғри келмайди.

— Энди нима қилмоқчисизлар? — савол берамиз А. Сафаровга.

— Ўша фабрикага телеграмма юбориб вакил чақирдик. Шоҳид келса ҳар бир туркумдан намуна олиб Грузиядаги марказий дегустация комиссиясига жўнатамиз. Шуни айтиш керакки, дегустация комиссияси чойнинг таркибига қараб эмас, фақат дамлангандан кейингина ранги ва мазасига қараб сортини аниқлайди. Аслида сорти туширилган ёки брак деб ҳисобланган маҳсулот қайтариб юборилиши керак. Аммо темир йўлда Грузияга юк қайтариш кўзда тутилмаган. Буни Агросаноат давлат комитети ҳал қилиши керак.

**«Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси 1986 йил ноябридан Грузия ССР Агросаноат давлат комитетидан 1986 йилнинг 11 ноябридаги 605/5-692 рақамли хатга биноан 1.500 тонна чой «уни» олиши кўзда тутилган. Ҳозиргача шундай чойдан 800 тоннаси етиб келди. Органолептик анализ бўйича бундай чой қизғиш ранг, дағалроқ ҳид беради. Унинг таркибидаги чанг 20—30 процентни, айрим туркумларида эса 80—90 процентни ташкил қилади. Бундай чойдан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин эмас...**

(Корхона раҳбарларининг СССР Давлат стандартлари комитети раиси ўринбосари А. С. Наволоцкийга ёзган хатидан).

Афсуски, бу хатга ижобий жавоб келмади. Чой қадоқловчилар нима ҳам қилишсин, ўша яроқсиз деб ҳисобланган хом ашёни баъзан дуппа-дуруст чойга қўшишга мажбур бўлмоқдалар. Бугина эмас, Грузиядан келтирилаётган чой таркибидаги чўплар ҳам нормада белгиланганидан 1,5—2 баравар кўплиги аниқланмоқда. Лаборатория томонидан ёзилган эътирозли хатлар кўпинча оқибатсиз қолиб кетаяпти. Яна бир мисол: 1987 йилнинг ўн бир ойида фабрикага Грузиядан 17 минг тонна чой жўнатилди. Шунинг 2.719 тоннаси лаборатория томонидан белгиланган сорт ва ГОСТ талабларига жавоб бермайди, деб топилди. Марказий дегустация комиссияси шундан фақат 233 тонна хом ашёнинг сортини ўзгартирди. Қолгани эса жўнатувчилар белгилаган сортларда реализация қилинди.

Бу далиллар замирида чой қадоқловчиларнинг қанчадан-қанча ташвишлари, асаббузарликлар ётибди. Уларнинг дардларига чинакам қулоқ соладиган ташкилот, масъул одам топилмаётир. Шундай экан, фабрика маркаси билан чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати қандай ўзгарсин!

Сифатга таъсир кўрсатувчи бошқа муаммолар ҳам бор. Омбор бинолари етишмаётганлиги туфайли хом ашёнинг бир қисмини очиқ ҳавода, брезент остида сақлашга тўғри келмоқда. Ҳозирги пайтда 6,5 минг тонна хом ашё учун омборхона йўқ. Чойнинг сифати узоқ вақт асл ҳолида қолиши учун у сақланадиган жойда ҳаво ҳарорати 18—20 даража, намлик эса 60—70 процент атрофида бўлиши керак. Энди ташқарида сақланадиган чойни бир тасаввур қилинг-а! Ноилојлик қоидани бузишга ундайди. Қарабсизки, сифати паст хом ашёнинг ҳолати баттарлашади. Буниси етмагандек, қадоқланган чойни сақлашга мўлжалланган омборлар ҳам камлик қилаяпти. Агар талабнинг тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, муаммолар бундан кейин янада ортиши аён. Республика, қолаверса, Иттифоқ Агросаноат давлат комитетлари самарқандлик чой қадоқловчиларни оғир ҳолатдан чиқариш, корхонада ишнинг кўнгилдагидек боришини таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўришлари, бугун кўндаланг бўлиб турган муаммоларнинг ҳал этилишини эртага қолдирмасликлари шарт.

И. АБДУРАҲМОНОВ.



«Каршистрой» бошқармасига қарашли «Дренажстрой» трестининг механизациялашган 23-кўчма колоннаси гидромеханизаторлари ерларни яхшилаб текислаш, мелиорация шохобчаларини барпо этиш планларининг ошириб бажарилишига эришаяптилар. Ўзаро социалистик мусобақада Нурали Абдуазизов бошлиқ скреперчилар бригадаси олдинда бормоқда.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига меҳнат беллашувини авж олдирган аҳил коллектив шу кунларда апрель ойи ҳисобига ишлаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригадир Н. Абдуазизов, пешқадам скреперчилардан Х. Бозоров ва Ш. Абдуазизов ўртоқлар. 2. Ерларни текислаш пайти.

И. МУҲИДДИНОВ фотолари.



## «Қишлоқ ҳақиқати» оталиғида

**Шўрчи районидаги Киров номли колхозда бултур 1.488 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,4 центнер ўрнига 38,4 центнердан, жами 5.710 тоннадан зиёд оқ олтин йиғиштириб олинди. Ялпи ҳосилнинг 64 проценти машиналарда терилди. Ҳар агрегатнинг иш унуми 129 тоннани ташкил этди. 20 та пахтачилик бригадасининг 8 тасида ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнердан ошди.**

**Об-ҳаво ноқулай келган йилда қандай қилиб бу ютуқларга эришилди! Албатта, хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаш туфайли, дейишмоқда колхоз меҳнаткашлари.**

Иқтисодчилар хонасида тунда чироқ алламаҳалгача ўчмайди: бир неча кундирки, колхозчиларнинг ўтган йилги меҳнатлари якуни сарҳисоб қилинаяпти. Тўғри, ҳисоб-китоб тўрт фасл мобайнида олиб борилган, лекин пировард натижалар чиқарилаётган пайтдагиси алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан унга тажрибали мутахассис, бош иқтисодчи Абдусаттор Бобохоновнинг ўзи бошчилик қилмоқда.

— Харажатларни сарфлашда тежамкорлик, ҳақ тўлашни тартибга солиш, хўжалик юритишнинг илғор усулларини жорий этиб, шу тариқа планларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолда экономикани мустаҳкамлаш бизнинг бурчимиз, — дейди у. — Якунланган йилда пахтакорларимиз давлатга белгиланганидан 888 тонна кўп оқ олтин сотдилар. Хом ашёнинг 92 проценти юқори, қолгани учинчи ва тўртинчи сортларга ўтди. Машина терими ҳиссаси аввалги йилдагидан 24 процент кўпайиб, 64 процентга етди. Муҳими, жами ҳосил ҳашарчиларсиз саранжомланди.

Илғор коллективларда натижа айниқса қувончли бўлди. Масалан, Тўхта Эшимов бошлиқ бригада азаматлари 76 гектар ернинг ҳар гектаридан 43,8 центнердан хирмон уйдилар. Ватанга 240 тонна ўрнига 333 тонна пахта ҳадя этилди. Унинг 269 тоннаси биринчи сортга қабул қилинди. Даромад ҳам шунга яраша: 275,9 минг сўм. Бунинг эвазига колхозчилар мўмай ҳақ оладилар.

Шунга қарамасдан колхозда бурноғи йилга нисбатан ҳосилдорлик гектар ҳисобига қарийб 3 центнер камайдики, бу экономикага бирмунча салбий таъсир қилди. Сабаби нимада?

Ўтган йили жами майдоннинг 931 гектарига ипак пахтанинг маҳаллий Т-16, 557 гектарига АН-60 нав уруғи қадалган эди. Биринчисидан гектар ҳисобига ўртача 41,7 центнердан ҳосил олинди. Чўтбой Мустаров, Қудрат Мустафоев бошлиқ бригадаларда бу кўрсаткич 41—43 центнерга баробар бўлди. Биринчи сорт хом ашёнинг ҳар тоннаси 990 сўмга сотилди.

Ўрта толали пахтанинг АН-60 нав уруғи экилган ернинг ҳар гектаридан эса 34,4 центнер ўрнига 32,8 центнердан хирмон уйилди. 11 та бригадада топшириқ уддаланмади. Эргаш Йўлдошев, Мамазиё Маҳмудов бошлиқ коллективларда гектар ҳосилдорлиги атиги 20—21 центнерни ташкил этди. Бошқача айтганда, 557 гектар майдондан ипак пахтага нисбатан 9 центнер кам ҳосил етиштирилди. Бунга ўрта толали пахтанинг ҳар тоннаси 670 сўм эканлиги ҳам қўшилса, ҳаммаси бўлиб колхоз бўйича ярим миллион сўм даромад бой берилганлиги маълум бўлади. Ваҳоланки, 1986 йилда жами майдонга Т-16 нав уруғи қадалганлиги туфайли 4 миллион 700 сўм ўрнига 5 миллион 362,5 минг сўм даромад олинганди.

Яна бир мисол. 1986 йилгача боғдорчилик, узумчилик, картошкачилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик зарар келтирарди. Бултур ана шу тармоқларнинг тенг ярми фойда берди.

Буларни эслатишдан мурод шуки, меҳнат аҳли ўтган йилдан бошлаб хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишламоқда. Янги система раҳбарлар, мутахассислар ва колхозчилардан йўл қўйилган камчиликларни такрорламасликни, ҳар сўмдан тежаб-тергаб фойдаланишни талаб этади. Шу муносабат билан мева, сабзавот, картошка ва пилла етиштириш тўласинча оилавий звенолар зиммасига юклатилиб, улар билан правление ўртасида тегишли шартнома тузилди. Натижада 30 та штат қисқартирилди. Айни пайтда бошқарув аппаратидаги раҳбар ўринлар сони ҳам 10 процент камайди.

— Хўжалик ҳисобига ўтишнинг яна бир афзаллиги шундаки, — дейди бош иқтисодчи, — авваллари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан олинадиган ялпи даромаднинг 9 проценти камқувват хўжаликларга ўтказилган бўлса, эндиликда унинг ҳаммаси колхозчиларнинг манфаатдорлигини оширишга, социал вазифаларни муваффақиятли бажаришга сарфланади.

Аҳад Мустафоев олти йилдан буён хўжаликка раҳбарлик қилади. Ўтган йиллар мобайнида нафақат пахтачиликда, бошқа тармоқларда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди: гўшт, сут, тухум, дон, пилла етиштириш ва давлатга сотиш планлари сурункасига ортиғи билан бажарилмоқда. Натижада колхоз экономикаси йил сайин мустаҳкамланаяпти. Ҳозир кассада 5 миллион сўм пул бор.

Ҳар йилга якун ясалар экан, раис уни олдингисига қиёслашга одатланган. Бу келгусидаги режаларни ойдинлаштиради, дейди у. Шу туфайли Аҳад Мустафоев ён дафтар тутади. Ундаги ёзувлар эътиборимизни ўзига тортди: «3 декабрда устахонада ўтказиладиган йиғилишда айтиладиган фикрлар: 1.600 гектар ер 20 декабргача тўлиқ шудгор қилиниши лозим. Бунинг учун 18 та Т-4 ҳайдов трактори икки ярусли плуглар билан икки сменада ишлатилиши керак. Ҳар гектар майдонга 50 килограмм дизель ёнилғиси, 1,75 килограмм мой сарфланади. Жами харажат 6.096 сўм. Бир гектар учун тракторчига 2 сўм 33 тийин, унинг ёрдамчисига ана шу маблағнинг 80 проценти тўланади. Демак, 1.600 гектар 12 минг 816 сўмга тушади».

## МУАММО ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Бу хўжалик ҳисобида ишлаётган колхозда нафақат раҳбар, балки ҳар бир киши аниқ режа билан ишлаши зарурлигини исботловчи бир далил. Қувончлиси шундаки, яхши фикрлар, режалар қоғозда қолиб кетаётгани йўқ. Улар изчил амалга оширилмоқда.

Биз декабрнинг ўрталарида хўжаликда бўлганимизда сўнгги гектарлар шудгор қилинаётган эди. 18 та трактор икки сменада юқори унум билан ишлатилиб кунига 140—150 гектар майдон сифатли қўлдан чиқариларди. Механизаторлар қишки кийим билан таъминланган, ҳар куни икки марта иссиқ овқат тайёрланади. Бош агроном Юсуф Бобомуродов бошлиқ сифат комиссияси ишни қабул қилиб олаётир.

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати, район Советининг депутати, коммунист Абдураҳмон Шерматов бошлиқ бригада даласидамиз. Иш қизғин давом этмоқда. Меҳнат аҳли ўтган йили гектар ҳисобига 40 центнер оқ олтин етиштирди. Жорий йилда эса 45 центнерлик марра эгалланади. Шу ниятда бўлғуси ҳосилга мустаҳкам тамал қўйилмоқда. Абдураҳмон ўғли Абдусаттор билан биргаликда ерни икки ярусли плуг ёрдамида 45 сантиметр чуқурликда ҳайдаяпти. Мусобақада ота-бола пешқадам.

Об-ҳаво ноқулай келган йилда пахтадан юқори ҳосил етиштирганлигимизнинг боиси нимада эканлигига қизиқарсиз, — дейди раис. — Биринчидан, шудгор сифатига алоҳида эътибор берилаяпти. Барча майдонлар ғўзапоядан тозалангач, бороналар ишга солинади. Бунда қолган-қутган ғўзапоя битталаб териб олинади. Шудгорлаш олдидан ер албатта картограмма асосида маҳаллий ва минерал ўғитга тўйинтирилади. Масалан, Шерматов бошлиқ бригадада гектар ҳисобига 15 тоннадан гўнг солинди. Бу юмуш билан агроном Юсуф Алланазаров бошлиқ бригада шуғулланмоқда. Унинг ихтиёрида ўн беш одам, 14 та тележка, иккита автомашина, битта юклагич, иккита бульдозер, шунча гўнг сепиш механизми, учта ўғитлагич бор. Ҳозиргача 13 минг тонна нури жамғарилди. Иккинчидан, бизда шудгорлашдан сўнг эгат очилади. Эрта баҳорда каналга сув берилиши биланоқ оби ҳаёт тараймиз. Бу эса етарли нам тўплаш имконини беради. Учинчидан, экиш қисқа муддатда, сифатли бажарилади. Уруғ пуштага қадалади. Ғўза униб чиққандан кейин 40—45 кун ўтгач, дастлабки шоналар пайдо бўлганда биринчи сув оқизилади. Шундай қилинганда ҳосил тўкилмайди, балки сонига сон қўшилади. Ниҳоят, сўнгги омил ғўза навига бориб тақалади. Бизнинг ерларимизга ипак пахтанинг Т-16 нави мос тушади. Айни пайтда у юқори ҳосилли, тезпишар, машина теримига қулай, сортлилиги юқори. Шу боисдан биз жорий йилда 1.400 гектар майдонга ана шу нав уруғини экишни режалаштириб, қишки юмушларни уюшқоқлик билан олиб бораяпмиз.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

## ХУШХАБАРЛАР

### ЭКЗОТИК ЎСИМЛИК

**Наманган областидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз деҳқонлари бу йил баҳорда янги экинни экишга тахт қилиб қўйдилар. Хўжаликда таъми ва ташқи кўриниши билан картошкани эслатадиган кўп йиллик субтропик экин-батат уруғлик фонди яратилди.**

**Ўтган йили хўжалик агрономлари крахмал ва қанд моддасига бой бўлган ана шу экзотик ўсимлик ниҳолини топдилар. Бригадир Р. Умурзоқов батат парвариш қилиш билан шуғулланди. У дастлабки уруғлик етиштирди.**

**Бу йил ташаббускорлар ғамлаб қўйилган барча уруғликни экишга қарор бердилар. Улар янги маҳсулот озуқа сифатида чорвачиликдагина фойдали бўлиб қолмай, шу билан бирга пазандаларга ҳам манзур бўлади, деб умид қилмоқдалар. Чунки бататни қайнатиш, қовуриш ва ҳатто консерва қилиш мумкин.**

### АЖОЙИБ ЮТУҚ

**Жиззахдаги уйсозлик комбинатининг кўпгина ходимлари сменани рус ва совет адабиёти классикларининг асарларига обуна бўлиш учун талонлар олиб, уйга қайтишларини ҳаёлларига келтирмаган эдилар. Корхонанинг ўзида очилган халқ китоб магазини ана шундай имконият яратиб берди. Икки смена ўртасида китоб лотереяси ўйналди. Омадли лотерея эгалари И. Бунин, В. Тендряков, Қ. Қулиев, М. Львов, Э. Асадов асарлари тўпламига обуна бўлдилар.**

**Халқ магазини ишчилар орасида китобни пропаганда қилишнинг фаол масканн бўлиб қолди. Бу ерда у ёки бу тўпламни харид қилибгина қолмай, шу билан бирга зарур адабиётларга буюртма бериш, янги китоблардан хабардор бўлиш мумкин.**

### ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**Қўриқдаги «Наманган» совхозида бутун экиш техникаси шай ҳолга келтириб қўйилди. Ремонтчилар 47 та ҳайдов ва 70 та чопиқ тракторини, барча сеялка ва культиваторларни ремонтдан чиқардилар.**

**Хўжаликда баҳорга тайёргарлик ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Махсус отряд ҳозирнинг ўзидаёқ далаларга салкам 10 минг тонна ўғит чиқарди. Бу белгиланган миқдорнинг ярмидан кўпроғидир. Айни вақтда ариқ ва зовурлар тозаланмоқда. Мелиораторлар икки сменада ишлаб, смена топшириқларини бир ярим, икки баравар ошириб бажармоқдалар.**

## ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

**Учқўрғон дон маҳсулотлари комбинати тегирмонида ишловчилардан бирданига 40 киши бўшатиб олинди. Корхона тўла хўжалик ҳисобига ўтиши билан коллектив: «Оз харажат қилиб, кўпроқ аъло сифатли маҳсулот берайлик», — деган шиор остида ишлай бошлади.**

**Хўжалик юритишнинг илғор формаларини жорий этишга тайёргарлик бу ерда ўтган йилнинг бошларида — тегирмон участкаси муддатидан ярим йил илгари лойиҳадаги қувватга эришганидан сўнг бошланган эди. Бу, топшириқларни шартномада белгиланган муддатларда доимий бажариш ҳамда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Ўтган йили пландан ташқари 100 тонна ун савдога чиқарилди.**

**Эришилган барқарорлик қайта қуришнинг навбатдаги вазифаларини ҳал этиш учун асос яратди. Тўла хўжалик ҳисоби ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнигина эмас, айни вақтда меҳнат сарфини ва маҳсулот таннархини камайтиришни ҳам талаб этади. Бунинг учун бригадаларни қайтадан ташкил этдилар, оз куч сарфлаб, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтира бошладилар. Иш жойларини аттестациядан ўтказиб, улардан оқилона фойдаланиш йўлларини белгилаб олдилар, комплекс иш нормаси белгиланди. Ихтисослашган кичик-кичик бригадалар ягона комплекс бригадага бирлашиб, юздан ортиқ ишчи бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқда. Тежалган 180 минг сўм иш ҳақи фондидан ойликни, мукофотни кўпайтириш учун фойдаланилмоқда.**

**Ҳозир учқўрғонлик тегирмончилар календардан ярим ой ўзиб меҳнат қилишмоқда. «Ортиқча» 40 киши эса корхонанинг иккинчи навбати линиясига ўтказилди. У ерда омихта ем ишлаб чиқариш қувватлари ўзлаштирилмоқда.**

Р. БИЧУРИН,
ЎзТАГ мухбири.

